



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 3 июль, № 129 (5549)

Сешанба

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Бугунги тараққиётни илгор транспорт-коммуникация инфратузил-масисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис истиқлол йилларида мазкур соҳа, хусусан, унинг бош бўғинларидан бири — ҳаво йўллари тизимини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимизнинг тегишли Фармони асосида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг ташкил этилиши бу борадаги салмоқли қадам бўлди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»:

Изланиш ва шижоат самараси

Модернизация



(Давоми 2-бетда).

Ушбу ҳужжат ижросининг изчил таъминланиши натижасида мазкур тармоқ жадал тараққий топиб, халқаро миқёсда ўз номи ва нуфузига эга бўлди. Бугунги кунда юртимиздан кўплаб давлатлар пойтахтлари, йирик шаҳарларига парвозлар амалга ошириляётгани, замонавий қиёфадаги самолёт парк мавжудлиги, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими тубдан реконструкция қилингани, ҳудудлардаги аэропортларни ривожлантириш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириляётгани фикримиз тасдиғидир.

Чунончи, барча замонавий русумдаги ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича жаҳон талабларига жавоб берадиган база яратилгани бундай кўрсаткичларни ошириб боришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, иқтисодиёт секторлари орасида ҳаво йўллари техникалари созлиги, айниқса, жуда муҳим саналади. Негаки, бу парвозлар хавфсизлиги кафолатдир.

Кувонарлиси, Марказий Осиёдаги энг йирик авиатаъмирлаш корхонаси "Uzbekistan Airways Technics" ("UAT") ана шу масъулиятни ва шарафли вазифани ишончли адо этиб келаётир.

(Давоми 2-бетда).



Мейморчилик ва шаҳарсозлик ҳам ўзига хос ноёб санъат. У ҳар бир халқнинг бунёдкорлик салоҳияти, маданияти ва иқтидорини ўзида намойён этади. Юртимизда бундан бир неча минг йиллар муқаддам барпо этилган, асрлардан ўтиб, шу кунгача ўз салобати, кўрку тароватини йўқотмай келаётган муаззам иморатларимизга боққанингда, кўнглингда беихтиёр фахр ҳисси уйғонади. Чунки улар бизга ота-боболаримизнинг куч қудрати, маҳоратидан сўзлагандай бўлади гўё.

Она юрт фавворалари

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Президентимиз раҳнамолигида шаҳарсозликнинг янги даврига қадам қўйилди. Бугун Ўзбекистоннинг бу борада эришяётган ютуқларига кўпчилик ҳавас билан қарайди, десак, му-болага бўлмайди. Сабаби, барпо этиляётган ҳар бир иншоот — мухташам сарой ва кошоналар, тураржой бинолари, ижтимоий инфратузилма объектлари, дам олиш ҳамда зиё масканлари архитектурасида миллий ва замонавий мейморчилик анъаналарини ўзаро уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қарати-либ, улар атрофи ландшафт дизайни асосида кўкаламзорлаштириляётгани ҳудудлар қиёфасига ўзгача чирой ва гўзаллик бағишламоқда.

Биз айнан ландшафт дизайни ва микроклим шариоитини яратиш ҳақида фикр юритмоқчимиз. Биласиз, Ўзбекистон иқлими иссиқ ўлка ҳисобланади. Шу боис ҳам бизда яшил ўсимликлар ва кўкаламзорлаштиришнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Боиси, ўсимликлар атроф-муҳит санитария-гигиена ҳолатини яхшилайди, шомол кучини камайтиради, ҳароратни мўътадиллаштиради, энг муҳими, ҳавонинг тозаланиши, мутахассисларнинг таъкидлашича, масалан, бир туп дархат 24 соат ичида уч киши учун зарур бўлган қислород ишлаб чиқаради. Ҳар гектардаги дархат ва буталар эса кўтариляётган чангнинг 72, чиқарилган олтингургут гази-

(Давоми 2-бетда).

Саломатлик ҳафталиги

Соғлом турмуш — фаровон келажақ кафолати. Ана шу ҳаётий ҳақиқатни инобатга олиб, бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ривож йўлида изчил ишловлар амалга оширилмоқда.

Ғамхўрлик ва эътибор намунаси

Муҳими, шифо муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолига тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, оналар ҳамда болалар саломатлигини асрашга қаратилган бу каби эзгу сай-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бераётир.

Айни кунларда шундай хайрли чора-тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб Саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда. Мазкур тадбирда республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари ва соҳага дахлдор олий ўқув юр-тарларининг етакчи олим ҳамда малакали мутахассислари қатнашапти.

Сирдарё вилоятида ҳам "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остидаги чуқурлаштирилган Саломатлик ҳафталиги бошланди. Шу муносабат билан республика иختисослаштирилган Кардиология маркази мутахассислари бошчилигида терапевт, эндокринолог, невропатолог, онколог, травматолог, уролог каби шифокорлар кеча Сирдарё туманида бўлишди.

(Давоми 4-бетда).

Давлатимиз раҳбари шу йил 15 июнь кунини халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши-нинг навбатдан ташқари сессия-сида ҳудудда ишсизлик даража-сини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кучайтириш, фермер хўжаликларини, пахтачилик, галлачилик ёки боғдорчилик билан чекланиб қолмасдан, етиштирилган маҳсулотни саноат асосида қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Бандлик

Шуни қайд этиш жоизки, бугун вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлашга жиҳдий аҳамият берил-моқда. Хусусан, янги иш ўринлари ташкил этиш борасида қабул

қилинган дастурга мувофиқ, 2011 йили ҳудудда 65 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган. Эътиборлиси, уларнинг 73 фоиздан ортиғи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Айни пайтда эса 25 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбир-

Кичик бизнес

тараққиётимизни янада жадаллаштиришда алоҳида ўрин тутади

корлик субъектлари вилоят иқтисодиётини тараққий эттиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, жойларда ташкил этиля-ётган "Очиқ эшиклар кунини" тадбир-ларида тадбиркорлар учун зарур маълумотлар берилаяпти. Жумла-дан, Термиз шаҳри ва туманлари-дан ўтказилган ана шундай уршув-лардан бирида 93 та тадбиркор-лик субъекти фаолиятига тўсиқ бўляётган муаммолар мавжудлиги аниқланиб, улар мутасадди раҳбар-лар иштирокида ижобий ҳал этилди.

— Тадбиркорлик субъектларини

текшириш юзасидан бериляётган имтиёзлар соҳа мутахассисларига кўрсатилган бекхёс ғамхўрлик ифодасидир, — дейди Денов туманидаги "Акбар" хусусий корхонаси раҳбари Абдували Алимов. — Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги "Бюрокра-тик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги-ни янада ошириш чора-тадбирла-ри тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда:

Заковатли ва иқтидорли ёшлар

Шахрисабз туманида ташкил қилинган ўқув оромгоҳидаги машғулотларда фаол иштирок этмоқдалар

Пухта билим, ноёб истеъдод ва кенг тафаккур соҳиби бўлиш астойдил ўқиб-изланаётган умидли ёшларимизнинг эзгу орзу-мақсадлари сирасидандир.

Қашқадарё

Зотан, келажақ сари дадил интиляётган навқирон авлод вакиллари бугун илм-фан, касб-хўнарсирларини ўрганиш, санъат, спорт синга-ри йўналишларда йирик натижа ва ютуқларга эга бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. Ана шундай ўғил-қизларга муносиб эътибор кўрсатиш эса юр-тимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Таълим тизимини яна-

да ривожлантириш борасида амалга ошириля-ётган чора-тадбирлар, жойларда бунёд этилган ва этиляётган замонавий ўқув масканлари, қолавер-са, ёшларимизнинг иқтидор ҳамда қобилиятини юзага чиқариш учун яратиб бериляётган бекхёс имкониятлар ушбу фикримиз тасдиғидир.

(Давоми 4-бетда).

Кредит имкониятлари

Вилоят марказидаги "Жасур Камол" хусусий корхона-сида банкнинг 600 миллион сўмлик кредити ҳисобига модернизациялаш ишлари бажарилди.

Бухоро

Натижада бу ерда ишлаб чиқариляётган маҳсулот — буз си-фати яхшиланди, иш унумдор-лиги ортди, ишчиларга қўшим-

ча қулайлик яратилди. Айни чоғда корхона жамоаси ойига 70 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бермоқда. Бугунги кунда шаҳарда енгил

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган 141 корхона бўлиб, мулкчилик-нинг турли шаклидаги мазкур субъектлар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 27,2 миллиард сўмлик маҳсулот иш-лаб чиқарилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти

Зангиота туманида янги шаклдаги тадбиркорлик субъек-ти — илк оилавий корхона рўйхатга олинди. Назарбек қишлоғида истиқомат қилувчи Ортиқовлар оиласи бизнес лойиҳаси асосида ташкил этилган ушбу "Садрхон барака бизнес" корхонасида айни пайтда хўжалик совунлари тайёрланмоқда.

Оилавий тадбиркорлик

— Хўжалик юритишнинг бу шакли жорий этилгани биз учун айни му-дао, — дейди корхона раҳбари Муқад-дас Ортиқова. — "Оилавий тадбиркор-лик тўғрисида"ги Қонундан келиб чиқ-қан ҳолда, иш юритишда тураржой-миздан эркин фойдаланаяпмиз. Оила аъзоларимиз бандлиги ҳам таъминлан-ди, бунинг устига, бир қатор солиқ им-тиёзларига эга бўлди. Бу, албатта, фаолиятимизни изчил ривожлантириб бориш имконини беради.

Жорий йилнинг ўтган даврида ви-лоятда оилавий бизнесни қўллаб-қув-ватлаш мақсадлари учун 2,1 милли-ард сўм йўналтирилди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ КўПАЙМОҚДА

Охириги беш йилда Сурхондарё вилояти иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажми

70,6 миллиард сўмни ташкил қилди.

Бунинг эвазига, жумладан, Хонжиза полиметалл рудалар конини ишга тушириш, пахта хом ашёсини қайта ишлашга иختисослаштирилган "Шиндонг Спиннинг" корхонаси, вилоятда тайёрланадиган пиллани тўлиқ қайта ишлашга мўлжалланган "Сурхон-Термиз-Силк" корхонаси синга-ри жами 18 та йирик лойиҳа амалга оширилди, буларнинг бари ҳудуд саноати салоҳиятини оширишга салмоқли ҳисса қўшди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Унга кўра, 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ҳамда рен-

лик билан шугулланиб келади. У дастлаб яққа тартибда фаолият юритувчи тадбиркор сифатида савдо-сотиқ билан машғул бўлди. Айна чоғда банкдан олган кредитни эвазига "Sunxon-Sun-Milk" хусусий корхонасини ташкил этиб, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мазкур кор-

лари яратилади. Муҳими, олинандиган даромадимиз салмоғи ортади. Ниятларимиз ижобат бўлиб, мана, фермада қайта реконструкция ишларини олиб бораёلمиз. Дарҳақиқат, бугун ўз бизнесини тўғри йўналтира олган ва бўйдода изланиш, ҳаракатдан асло чарчамайдиган тадбиркорларнинг сай-

та иш ўрни яратилди. Жумладан, Термиз шаҳридаги "Термиз Шаршара Файз" хусусий корхонасида полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига 50 та, "Интерсилк про" масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида 25 та, "Новофарм" Ўзбекистон — Хиндистон қўшма корхонасида инъекция шаклидаги дори воситаларини ишлаб чиқариш линиясини ишга тушириш ҳисобига 20 та, "Grand shifer" қўшма корхонасида 20 та, Бойсун туманидаги "Умид" кичик корхонасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали 20 та, Узун туманидаги "Узун ихтисослаштирилган уй-жой қурилиш" хусусий корхонасида шағал саралашни ташкил этиш натижасида 20 та иш ўрни яратилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»:

Изланиш ва шижоат самараси

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бу ердаги мустахкам моддий-техник база салоҳияти халқаро сертификатларга эга малакали ходимлар меҳнати тўғрисида янада тўлиқ намоён бўлаяпти. Бошқача айтганда, "UAT" авиатаъмирлаш корхонасининг, асосан, иқтидорли ёш кадрлардан таркиб толган жамоаси томонидан нафақат маҳаллий, балки Шарқу Фарбдан келган ҳаво лайнерларига ҳам юқори даражада техника ва таъмирлаш хизмати кўрсатиб келинмоқда. Улар орасида ўзимизнинг "Ил-114/100"дан торттиб, хориз брендлари — "Boeing", "Airbus", "Rj-85" русумларига боради.

— Шунингдек, таъмирлашни истардимки, республикада ҳаво йўллари равнақи учун барча имконият муҳайё қилинган, — дейди суҳбатдошимиз. — Шуларга муштарак равишда соҳа ходимлари ҳам давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб келинмоқда. Президентимиз Фармони асосида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ҳаммасларимизнинг муқофотланishi, авиакомпаниямиз жамоасига йўлланган табрик бунинг яна бир исботи бўлди. Ушбу беҳиёс гамаўхўрик барча соҳадошларим қатори мени ҳам янги марралар йўлида белни маҳкам боғлаб, сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди. Бугунги кунга келиб, "UAT" авиатаъмирлаш кор-

хонасининг ишончли сервис хизматларидан фойдаланувчи чет эллик бюртмачилар ва ҳамкорлар сони ортиб бормоқда. Қолаверса, ўзбекистонлик ва "Boeing" корпорацияси мутахассислари "Uzbekistan airways technics" авиакорхонаси базасида композицион материаллардан тайёрланган йирик самолётлар, чунончи, "Boeing-787-8—Dreamliner"ни таъмирлаш имкониятига эга янги цех ташкил этиш борасида имкониятларни ўрганиб чиқишмоқда. Сабави, 2014 — 2016 йилларда Миллий авиакомпания сафи иккита ана шундай замонавий "орзу кемаси"ни қабул қилиб олади. Буларнинг барчаси сифати сервис портфелини кўпайтириб, фаолият самардорлигини янада ошириш, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

- Қувонарлиси, бугун мана шундай тизимли ишлар боис "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси дунёнинг энг ишончли, хавфсиз йўловчи ташувчиларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.
- Миллий ҳаво йўлларимизни ривожлантиришга қаратилган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида.

М. ҚОСИМЖОНОВ.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳ-иштихориимиз тисмоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азиз» аънавий танловига таклиф этади.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Танловга «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган эзгу гоани ўзда мужассам этган ижодий ишлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, хавфсизлик ва барқарорлик таъминлангани, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, юртимизда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти, аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани, кишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, ҳар бир юртимизнинг ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун янгидан-янги имкониятлар яратилаётгани кенг ёритилган бўлиши керак.

Шунингдек, танловга тақдим этилган материаллар ўтган давр мобайнида халқимиз мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтганини, ўзининг мустахкам иродаси, қатъият ва матонати ҳамда юксак инсоний фазилатларини намоён этишга эришганини, жамиятимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳор-қўблат муҳити тобора мустахкамланиб бораётганини,

нинг узвий қисмига айланиб бораётганини, «Мустахкам оила йили» Давлат дастури-нинг ижобий самараларини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйдаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
- босма ОАВ ходимларнинг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйдаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тасвирнома;
- муаллифнинг манзили ва боғлиши телефонлари.

Танловга 2011 йилнинг 1 августидан 2012 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатишган материаллар, шунингдек, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августига қабул қилинади.

Танлов қобилилари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами арафасида муқофотландилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйдаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси
«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Кичик бизнес

тараққиётимизни янада жадаллаштиришда алоҳида ўрин тутади

табеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ соҳасига оид текширишлар таққиланди. Бу имтиёзлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Масалан, айна пайтда кишлоқларда қуриладиган намунавий лойиха асосидаги тураржойлар учун сараланган қум ва шағал етказиб беришга ихтисослаштирилган корхонамиз фаолияти кенгайтирилиб, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда.

хонада 7 хилдаги сут маҳсулотлари, жумладан, сут, қатиқ, қаймоқ, мевадли, шакарли, мурабболи твороглар ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, корхонада меҳнат қилаётган ёшлар тумандаги касб-хунар коллежларини битирган йигит-қизлардир.

Холисун қайта ишлаш учун зарур бўлган сутни корхона қошидаги фермада етиштиришга ҳам ҳаракат қилмоқда.

— Ана шунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннарни янада арзон бўлади, — дейди тадбиркор. — Шунингдек, қўшимча иш ўрин-

ҳаракатлари билан аҳоли бандлиги изчил таъминланмоқда. Шу ўринда қайд этиш жоиз, жорий йилнинг дастлабки чорагида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 41 лойиха амалга оширилиб, 600

Бундан ижобий натижалар, табиийки, вилоятда иқтисодий ривожлантириш, шу билан бирга, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил йўлга қўйиш ҳамда шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш давр талабидир.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбир

Пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг академик лицей ва касб-хунар коллежларининг англис тили ўқитувчилари учун бир ҳафталик малака ошириш курси ташкил этилди.

Мутахассислар малака оширишди

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлоднинг замонавий асосда пухта билим олиши ва келажакда етуқ малакали мутахассис бўлиб етиштирилиши таъминлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини таъкидлашди.

Давлатимиз раҳбари томонидан шу йилнинг 28 майида имзоланган «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорда педагог кадрларнинг малака ва маҳоратини замон талаби даражасида муттасил ошириб бориш, уларнинг билим ва кўникмаларини бойитиш муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган. Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидан келган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 24 нафар ходими малака ошириш курсларини тамомлади.

Тадбир якунида уларга сертификатлар топширилди.

О. ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 3 июдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни учун ҳоризий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1930,95
1 Англия фунт стерлинги	2957,23
1 Дания кронаси	320,77
1 БАА дирҳами	514,24
1 АКШ доллари	1888,64
1 Миср фунти	311,91
1 Исландия кронаси	15,09
1 Канада доллари	1854,70
1 Хитой юани	297,52
1 Россия рубли	57,55
1 Украина гривнаси	236,30
1 Малайзия ринггити	596,07
1 Польша злотийси	565,95
1 СДР	2866,11
1 Туркия лираси	1043,91
1 Швейцария франки	1984,91
1 Евро	2365,49
10 Жанубий Корея воши	16,53
10 Япония йенаси	236,76

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Она юрт фавворалари



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

хузур олишади. Бу ердан олам-олам таассуротлар билан қайтаётганлар орасида хорижликлар ҳам кўп. Хусусан, ўтган йили мажмуанинг Симпозиумлар саройида ўтказилган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиум, шунингдек, жорий йил бошида бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро анжуман иштирокчилари нафақат бинонинг маҳобатига, балки унинг атрофида яратилган бетакорор манзарага қойил қолиб, ҳавас қилишганига гувоҳ бўлган.

— Ўзбекистоннинг юксак салоҳиятга эга мамлакат



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

бериладу юлар атрофида табиий муҳит яратишга у қадар ҳам аҳамият қаратилмайди. Юртимизни гўё қатта бир бонга қиёслаш мумкин. Шаҳар шароитида бундай манзарани шакллантириш, албатта, маҳорат таламатлигини муҳофаза қилиш керак. Фаввора ёнида бир лаҳза ором олиб, хузур қилдим. Ҳаммаси ажойиб.

Бугун «Маърифат маркази»нинг гўзал хиёбонида, фавворалар олдига янги оила қурган қўллаб ёшларни ҳам учратасиз.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Темирийлар тарихий давлат музейи, Амир Темур хиёбони, Алишер Навоий номидаги опера ва балет давлат академик Катта театри, Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва Сенати бинолари, «Туркистон» халқаро анжуман саройи, Хадра майдони ҳамда қўллаб маданият ва истироҳат боғлари худудидаги фавворалар ҳам ўзига хос дизайни, ажойиб муҳандислик қурилмалари асосида бунёд этилганлиги билан ажралиб туради.

Мухтасар айтганда, фавворалар ҳам тинчлик ва осойишталикнинг ўзига хос рамзидир. Осмон мусаффо, халқи фаровон юртда эса бунёдкорлик ишлари бардавом бўлаверади.

Шавкат ОРТИҚОВ,
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.



эканини миллий ва замонавий мезморчилик услубларини ўта нозик дид билан мужассамлаштириб, барпо этилган мана шундай мухташам бинолардан ҳам бишлиш мумкин, — дея ўз таассуротларини ўртоқлаган эди ўшанда Голландиянинг Лейден Вебстер университетининг директорини Жан Паул ван Марриссинг. — Ҳар бир иншоот ҳовлисида ям-яшил майсазор, фаввора ташкил этиш аънаванаси менга жуда ёқди. Чунки аксарият давлатларда баланд-баланд бинолар қурилишига зўр

бўлиш, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган соғлом фарзандлар тарбиялаш энг катта орзуимиздир.

Албатта, ёшларимизнинг ҳар бири кўнглида шундай эзгу таассуротнинг мужассамлиги дилни қувонтиради. Бу ҳам эртанги кунимиз порлоқ ва истиқболли эканининг эркин бир нишонасидир...

Юртбошимиз гоёси ва бевосита кўрсатмалари асосида Мустақиллик майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари

санъат саройи, Хадра майдони ҳамда қўллаб маданият ва истироҳат боғлари худудидаги фавворалар ҳам ўзига хос дизайни, ажойиб муҳандислик қурилмалари асосида бунёд этилганлиги билан ажралиб туради.

Мухтасар айтганда, фавворалар ҳам тинчлик ва осойишталикнинг ўзига хос рамзидир. Осмон мусаффо, халқи фаровон юртда эса бунёдкорлик ишлари бардавом бўлаверади.

■ Парламентдаги мухбириимиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Наслчилик тўғрисида»-ги Қонун талабларининг Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан ижро этилиши ҳақидаги назорат-таҳлил фаолияти яқунлари муҳокама қилинди.

Чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари

Қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассислар иштирок этган мазкур тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз аграр секторига, шу жумладан, чорвачиликка ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бунинг учун зарур ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий пойдевор яратилди. Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил

21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва моллар кўпайтириш чорва-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари асосида ушбу соҳани ривожлантириш бўйича аниқ дастурлар белгилаб, ҳаётга изчил татбиқ қилинди. Пировардида чорва моллари бош сони ва улардан олинаётган маҳсулот ҳажми ҳамда сифати йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли эҳтиёжларини кенг

қўламда қондириш, эл фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти. Мажлиси тармоқда наслчиликни тараққиёт этириш борасида вазирлик томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Изчил сайё-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда соҳада муайян ютуқларга эришилгани таъкидланди. Хусусан, барча тоифадаги ҳўжалиқларда қорамоллар бош сони 9 миллион 679 минтага етгани бунинг бир мисолидир.

Шубҳасиз, маҳсулдорлиқни яхшилашда наслчилик ишлари

наслчилик ишлари юритилмоқда. Шуларга мос равишда Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда «Насл-хизмат» уюшмалари, «Узаслчилик» корхонаси ва уларнинг худудий

наслчилик ишлари юритилмоқда. Шуларга мос равишда Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда «Насл-хизмат» уюшмалари, «Узаслчилик» корхонаси ва уларнинг худудий

наслчилик ишлари юритилмоқда. Шуларга мос равишда Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда «Насл-хизмат» уюшмалари, «Узаслчилик» корхонаси ва уларнинг худудий

наслчилик ишлари юритилмоқда. Шуларга мос равишда Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда «Насл-хизмат» уюшмалари, «Узаслчилик» корхонаси ва уларнинг худудий

наслчилик ишлари юритилмоқда. Шуларга мос равишда Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда «Насл-хизмат» уюшмалари, «Узаслчилик» корхонаси ва уларнинг худудий

наслчилик ишлари юритилмоқда. Шуларга мос равишда Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда «Насл-хизмат» уюшмалари, «Узаслчилик» корхонаси ва уларнинг худудий

С. МАХСУМОВ.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Яна жаримага тортилди

“Microsoft” компанияси 860 миллион евро миқдорда жаримага тортилди.



Бунга унинг Европа Иттифоқи монополияга қарши қонунига талабларини бузганлиги сабаб бўлди. Мазкур иш юзасидан Люксембургда ўтказилган суд жараёнида “Microsoft”га ана шундай айб қўйилди. Ўз навбатида, компания мутасадди-

лари ҳам ушбу ҳукмдан норозиликларини билдириб, суд қарорига апелляция беришларини маълум қилишди. Бу “Microsoft”нинг биринчи бор мана шундай катта миқдордаги жаримага тортилиши эмас. Олдинроқ компания “Internet Explorer” браузерини такмиллаштиришда ноқонуний инструментлардан фойдалангани учун қарийб 500 миллион евро миқдорда жарима тўлашга мажбур қилинган.


Дўппи тор келганда...

Франциянинг “Peugeot-Citroen” концерни маъмурияти Паусси шаҳридаги бўлимида “Peugeot-208” русумидаги автомобилларни илгирчи қисқартирилишини билдирди.

“Citroen-C3” савдо белгиси остида машиналар ишлаб чиқарилаётган Олнэ корхонаси фаолияти эса бутунлай тўхтатилиши мумкин. Агар шундай бўлиб чиқса, 3,6 минг нафар ходим ишсиз қолади. Концерн мутасаддилардан бирининг изохлашича, мазкур ислохотлардан қўзланган асосий мақсад сарф-харajatларни имкон борича қисқартиришдир.

Табиий офат талафотлари

АҚШнинг Шимолӣ Каролина штатида юз берган довул оғир оқибатларни келтириб чиқарди.



Жумладан, уч киши ҳаётдан кўз юмди, бир неча турароқ биносига жиддий зарар етди. Шу-

нингдек, табиий офат таъсири Мэриленд, Фарбий Виржиния, Виржиния, Огайо штатлари ва Колумбия округида ҳам сезилган. Шу боис мазкур ҳудудларда вақтинчалик фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Июнь ойининг сўнгги кунда жунбушга келган довул туфайли жами 13 киши қурбон бўлган.

Вулқон хавотири

Шанба кунӣ Колумбия ҳукумати “Невадо дель Руис” вулқони фаоллашгани туфайли фавқулодда ҳолат жорий этганди.



берилди. Аммо табиий офат яқинида истиқомат қилувчи фуқароларни хавфсиз жойларга кўчириш ишлари давом эттирилмоқда.

Мамлакат ҳукуматининг “Невадо дель Руис” фаоллашувида хавфсизлиги бежиз эмас. Гап шундаки, 1985 йилда унинг ҳаракатга келиши туфайли Гуали дарёси ўзанидан тошиб, 20 минг нафар одамнинг ҳаётига зомин бўлган.

Инсофли ўғри

Бундан бир неча кун муқаддам Сальвадор Далининг Нью-Йорк шаҳридаги “Venus Over Manhattan” галереясида ўғирлаб кетилган “Cartel de Don Juan Tenorio” номли картинаси топилди.



Бу ҳақда “Reuters” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Шуниси қизиқ-

ки, санъат асари галереяга почта орқали қайтарилган. Аммо айнан қайси манзилдан юборилгани аниқ эмас. Қиймати 150 минг АҚШ долларига тенг бўлган бу картина “Venus Over Manhattan” галереясининг қимматбаҳо экспонатларидан бири ҳисобланади. Уни расом 1949 йилда яратган.

Заҳарли газга қарши солиқ

Австралияда шу йилнинг 1 июлидан бошлаб, атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар учун солиқ жорий этилди.



Энди атроф-муҳитни углерод кимёвий моддаси билан заҳарлаётган йирик компаниялар унинг ҳар бир тоннаси учун 23,5 АҚШ долларига миқдорда солиқ тўлашга мажбур.

— Бу қоида бекорга жорий этилгани йўқ, — дейди мамлакат бош вазири Жулия Гиллард. — Чунки экологик хавфсизликка эришишда бундай чора-тадбирлар сезиларли самара беради. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ушбу солиқ турунинг жорий этилиши орқали 2020 йилга бориб, Австралияда йилга 159 миллион тонна углерод ҳавога чиқилишининг олди олинади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Интилиш

Республикада қишлоқ ҳўжалигининг ривож, кўп жиҳатдан, ерларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экин майдонларининг унумдорлигини оширишга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳани тубдан ислоҳ қилишда дастуриламал бўлаётди.

«Ўзмелиомашлизинг»:

Замонавий техникалар — муваффақиятлар гарови

Гап шундаки, мазкур ҳўжатга мувофиқ, 2007 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ташкил этилиб, унинг зиммасига жойлардаги давлат унитар корхоналарига замонавий мелиорация техникасини лизинг шартномалари асосида етказиб бериш вазифаси юклатилган эди.

Хўш, ўтган даврда компания томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

Маълумотларга қараганда, унинг фаолият кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётди. Масалан, 2008 йили лизинг шартномалари асосида умумий қиймати 25 миллиард 59 миллион сўмликдан зиёд техника воситалари етказиб берилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, бу

кўрсаткич 141 миллиард 879 миллион сўмликдан ошиб кетди. Эътиборлиси, шу даврда техника парки нафақат машиналар сони ёки тури бўйича, балки сифат кўрсаткичлари юқори бўлган замонавий ва ҳўр томонлама қўлай мелиорация техникалари ҳисобига бойиди.

— Ерларнинг мелиоратив ҳолати талаб даражасида бўлишига эришиш учун коллектор-дренаж тармоқлари тозаланиб, тик дренаж кудуклари вақти-вақти билан ювилиб туриши ва бошқа тадбирлар сифатли бажарилиши талаб этилади, — дейди “Ўзмелиомашлизинг” компаниясининг бўлим бошлиғи Абдужалил Умарқулов. — Ана шу ишларни вақтида, сифатли бажариш учун юқори унумли, замонавий техника воситалари зарур. Экскаватор, бульдозер, автокран, дренаж ювиш агре-

гатлари, автосамосвал, юклагич ва бошқа механизмлар шулар сирасига киради. Компаниямиз томонидан 2008 йилда мелиораторлар 126 та ана шундай техника воситаси билан таъминланган бўлса, ҳозирги пайтга келиб, уларнинг жами сони 1114 тадан ортди.

Компания мелиорация техникаларини етказиб бериш бўйича дунёнинг кўплаб давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган бўлиб, бу борада, айниқса, Хитой Халқ Республикаси ишлаб чиқарувчилари билан йўлга қўйилган шериклик муносабатлари тобора ривожланиб бораёпти. Хитойлик мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилаётгани эса икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим омил

бўлаяпти. Яқинда, масалан, гидравлик экскаватор ва бульдозерлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Guangxi Liugong Machinery” компанияси томонидан Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда компания қошида ташкил этилган “Мелиомашлизинг-сервис” шўъба корхонасида шундай тадбирлар уюштирилди. Бу муҳим анжуманлар учун ўқув даргоҳи ва корхона тасодифан танлангани йўқ. Институт соҳага ёш мутахассисларни тайёрлаб берса, шўъба корхонаси лизинг шартномалари асосида келтирилган мелиорация машина-механизмлари техника хизмат кўрсатиш марказига айлана бормоқда.

Хар иккала семинарда томонлар ўзаро алоқаларини янада ривожлантириш борасида келишувларга эришгани унинг ўта самарали ўтганидан далолат беради.

Таъкидлаш кераки, замонавий техника воситаларидан оқилона фойдаланишда уларга мунтазам техник хизмат кўрсатиш катта

аҳамиятга эга. Бунда корхонанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда филиаллари фаолияти йўлга қўйилгани кўл келаяпти, албатта. Тез орада уларнинг 15 нафар мутахассиси Хитойдаги экскаватор ва бульдозерлар ишлаб чиқариладиган корхоналарда малака оширишга юборилиши кутилмоқда. Бундан қўзланган мақсад сервис хизматлари кўрсатиш сифатини янада оширишдир. “Ўзмелиомашлизинг” компаниясининг хорижий ҳамкорлари сафи кенгайиб бораётгани эса, ўз навбатида, инвестициялар жалб этиш ҳаракатлари бошлаб юборилгани унинг фаолиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, хусусан, халқаро рейтинг олишга туртки бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ҳўкуматимиз томонидан соҳага эътибор кўчатирилиб, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани ўз самарасини бермоқда. Кейинги йилларда 1 миллион 164 минг гектардан ортик экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшилангани, кучли ва ўртача шўрланган ерлар 71 минг, ер ости сизот сувлари сатҳи икки метргача бўлган майдонлар эса 519 минг гектарга камайлгани бунинг исботидир.

Буларнинг барчаси пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиғи экинлари хосилдорлигини кўпайтиришга, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Суннат САЙДАЛИЕВ, журналист.



• Реклама ва эълонлар •

«KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Такроран аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Экокимёбиосервис» МЧЖга тегишли:
 - 1. Бошланғич нархи 604 310 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости участка майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, конструкция тури гишт, шлакоблок, темир, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11, кадастр ҳўжжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устaxonа, 2 та бостирмаси бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари.
 - 2. Бошланғич нархи 1 043 290 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Бўстонлик» ҚФЙ, Бақачўл қишлоғида жойлашган, умумий майдони 23641,03 кв.м., қурилиш ости участка майдони 748,14 кв.м., 3 қаватли, конструкция тури гиштли, асосий бинолар сони битта, ёрдамчи бинолар 9 та, ҳўжжатсиз қурилган ҳовузи мавжуд бўлган дам олиш маскани бино-иншоотлари.
 - 3. Бошланғич нархи 653 690 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бурчмулла қишлоғи, Д. Тусметов кўчасида жойлашган турархўнининг умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости участка майдони

730,4 кв.м., 2 қаватли, 2008 йилда қурилган, конструкция тури гиштли, асосий бинолари сони 2 та, ёрдамчи бинолари 7 та, биринчи қаватдаги омборхонаси яшаш ҳолатига келтириб қайта таъмирланган даля ховли.

Аукцион савдоси 2012 йил 20 июль кунӣ соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» MCHJнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳўжжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Ариза ва бошқа тегишли ҳўжжатларни қабул қилиш қимомиди савдоси ўтказилишига бир иш кунӣ қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган кўйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланган)

Тўхтат қувурлар

СЎВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФИНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

КАРБИД Козоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.

Қувурлар

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови

Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили

Ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади.

Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.

Маълумот учун телефонлар:
 (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80.
 Факс: (+99871) 257-58-61.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

“КЧМ” ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ

ШУНИНГДЕК:

Тўхтат қувурлар

КАФЕЛЬ

(девор ва пол учун)

САНТЕХНИКА

(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)

ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМАРОР ВАННАЛАР (СТУРЛИ ЎЛЧАМДА)

Тел./Факс: 267-35-73

Савдо шохбачаси - Уста Ширин к.125, қурилиш базори ичида №127 zakamsk-group@mail.ru

Қувурлар

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Испания терма жамоаси — қитъа чемпиони



Футбол мухлислари 24 кун мобайнида катта ҳаяжон билан кузатган навбатдаги Европа чемпионати Испания терма жамоасининг учинчи бор голибликни кўлга киритиши билан якунланди. Ун тўртинчи мартаба ташкил этилган мазкур биринчилик аксарият мухлису мутахассислар тахминини оқлаган бўлса-да, қутилмаган натижалари билан ҳам кўпчилиكنинг эътирофини қозонди.

1960 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган Европа чемпионатининг навбатдаги баҳсларида қайд этилган кўлаб рекордлар, антирекордлар ва янгиликлардан юртимиз футбол мухлислари ҳам хабардор, албатта. Хусусан, турнир аввалида футбол мутасаддилари ташкилотчилик масаласи бўйича муаммолар келиб чиқиши мумкинлиги хавфини яширишмаётган эди. Бироқ Украина ва Польшада олиб борилган ташкилотчилик ишлари туфайли ушбу мамлакатларга ташриф буюрган сайёҳлар сони олдинги чемпионатлардагига нисбатан ошиб кетди. Дунёнинг 200 дан зиёд давлатидан келган мухлислардан тушган маблағ эса нафақат сарфланган харажатни оқлади, балки ўйинлар бўлиб ўтган шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш имкониятини ҳам яратди. Бироқ бу билан мусобақа муаммо ва камчиликларисиз ўтказилди, деб ҳам бўлмайди.

Махсус қурилган стадионларнинг чими талаб даражасида ётқизилмаганлиги бир қатор учрашувлар мобайнида сезилиб турди. Ҳар бир мусобақа бошланишидан олдин мутахассислару мухлислар ўз тахминларини билдириши табиий ҳол, албатта. Айтиш жоизки, бу гал голибликка энг асосий номзодлар сифатида қаралган Германия, Испания ва Голландия терма жамоаларидан фақатгина Испания терма жамоаси футболчилари ишончли оқлашди. "Немис машинаси" Йохим Лев мураббийлигида ажойиб ўйин намойиш этган бўлса-да, финал оstonасида Италия терма жамоасига 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Голландия эса "му-

раккаб гуруҳ" дея аталган "В" гуруҳида биронта ҳам очко жамғара олмай, турнирни эрта тарк этди. Голландиялик мураббий Дик Адвокаат кўл остида ҳаракат қилган Россия терма жамоаси илк турда чехияликларни йирик — 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратганди. Аммо кейинги икки баҳсда керакли натижаларга эришолмай, турнирни гуруҳ босқичидаёқ якунлашга мажбур бўлди.

Амалдаги жаҳон ва Европа чемпионлари — Испания терма жамоаси Киев шаҳридаги 70 мингдан зиёд томошабинга мўлжалланган "Олимпийский" стадионида кечган финал баҳсида Италия терма жамоасига қарши майдонда саф тортди. Хал қилувчи



баҳсда рақибни 4:0 ҳисобида тормор этган испанлар замонавий футболнинг етакчиси эканликларини яна бир қарра исботлаб, мусобақа голибига айланди. Мазкур натижа Испанияни кетма-кет икки мартаба қитъа чемпионлигини кўлга киритган ягона жамоага айлантиргани ҳолда, Европа чемпионати финалида қайд этилган энг йирик ҳисоб сифатида ҳам тарих зарварларидан жой олди. "Енгилмас Армада" устози Висенте Дель Боске эса ҳам Европа, ҳам жаҳон биринчилигида зафар қучган иккинчи мураббий бўлди. Унга қадар Германия терма жа-

моасини 1972 йилги Европа ҳамда 1974 йилги жаҳон чемпионатларида голиблик шохсупаси сари бошлаб бора олган Хельмут Шен ана шундай юксак чўққини забт этганди.

Шундай қилиб, 2012 йилги Европа чемпионати ўз голибини аниқлади. Навбатдаги XV чемпионат 2016 йили Францияда бўлиб ўтади. Мазкур мезонлик ушбу давлат учун учинчиси ҳисобланади. УЕФАнинг қарорига кўра, унда илк мартаба 24 та давлат вакиллари голиблик учун кураш олиб боришади.

Суннатилла ИСЛОМОВ.

Қисқа сатрларда:

- **Чемпионатда 24 та мамлакатнинг 136 жамоасида тўп сурувчи 368 нафар футболчи қатнашди. Энг кўп иштирокчи Англия премьер-лигасидан жалб қилинган.**
- Германиянинг "Бавария"сидан 13, Испаниянинг "Реал" клубидан 11 ва Украинанинг "Динамо"сидан эса 10 нафар футболчи турли терма жамоалар сафини тўлдирди.
- **Англия терма жамоаси фақат ўз премьер-лигасида иштирок этадиган 23 нафар футболчи билан ўйнаган бўлса, Ирландия терма жамоаси миллий чемпионатдаги бирорта футболчини таркибга қақирмаган.**
- Ўтказилган 31 учрашувда дарвозаларга 76 та тўп киритилди. Бу ҳар бир баҳсда ўртача 2,45 тадан гол урилди, дегандир.
- **16 та терма жамоанинг 2 тасида хорижлик мураббий иш олиб борди. Булар Дик Адвокаат (Россия), Жованни Трапаттони (Ирландия) ва Фернанду Сантуш (Греция).**

Ҳимнат

Андижон туманилик тадбиркорлар ва аҳоли томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Улуғ байрамга тарадду

Хусусан, Қоратут маҳалласи аҳолиси ҳудуддаги қишлоқ врачлик пункти томини ёпишда кўмаклашган бўлса, тадбиркор С. Иминов 21-умумтаълим мактабининг кўшимча биноси таъмири учун маблағ ажратди. Дархон маҳалласидагилар эса янги кўприк барпо қилишди.

Бундай хайрли тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида қизгин давом эттирилмоқда.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мавсум

Наманган вилояти марказида яқинда ташкил этилган "Коммунал таъмирлаш — авария тиклаш" масъулияти чекланган жамияти томонидан кўп қаватли тураржойларни қишки мавсумга тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

Созлаш ишларига киришилди

Хусусан, ўтган ойда 40 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилиб, 6-кичик тумандаги биноларнинг иситиш тизими мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Шу кунларда жамоа аъзолари ҳудуддаги 213 та уй-жой мулкдорлари ширкати буюртмаларини барвақт бажариш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича хизмат кўрсатиш ва сервис тизимида 5500 дан зиёд иш ўрни яратилди, соҳанинг ялли ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 43,5 фоизга етказилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ҳафталик тадбирлар ҳақида бундан бир неча кун аввал кенг жамоатчиликка батафсил маълумот берилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Файзулло Мавлонов. — Лойиҳанинг илк кунларида мутахассислар 1400 нафардан зиёд кишини қабул қилишди. Мурожаат қилувчиларни шифокорлар кўригидан ўтказиб, уларга тезкор равишда аниқ ташхис қўйиш учун барча имкониятлар муҳайё қилинган. Рентген, қон таҳлили, ультратовуш ташхиси каби тиббий текширувлар вилоятнинг бошқа барча туманларида, энг чекка қишлоқ жойларида ҳам ташкил этилмоқда.

Дарҳақиқат, 8 июлга қадар давом этгани кўзда тутилган ушбу кенг кўламли тадбир доирасида шифокорга мурожаат этганларга текширув натижаларига қараб, тиббий тавсиялар берилди. — Шифокорлардан беҳад миннатдорман, — дейди Сирдарё туманилик Роҳила Худойбердиева. — Мени

безовта қилаётган дардни дарҳол аниқлаб, вилоят шифохонасига йўллашди. У ерда керакли муолажаларни олиб, тез фурсатда хасталиқдан фориг бўламан, деган умидман.

Навоий вилоятида эл саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган хайрли тадбир юқори савияда ўтказилмоқда. Ҳудудда пойтахтдан ташриф буюрган тажрибали шифокорлар юзлаб кишиларни тиббий кўригидан ўтказишди. Жумладан, Навоий шаҳридаги 3 ҳамда 4-оилавий поликлиникалар айна кунларда ҳар қачонгидан гавжум. — Ортопед-травматолог, кардиолог, офталмолог, невропатолог, терапевт сингари мутахассислардан таркиб топан гуруҳимиз аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Искандар Ходжанов.

Ҳафталик ниҳоясига қадар шу каби чуқурлаштирилган тиббий кўриklar вилоятнинг Кармана, Хатирчи, Нурота, Навбахор ва Қонимех туманларида ҳам бўлиб ўтади.

Шомирод ХОЛМУРОДОВ, Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Том маркази

«STIL INVEST SERVIS»

- ✓ металлочерепица (2 вида, металл производства России)
- ✓ профнастил (гофр-О.17, О.22, О.35)
- ✓ аксессуары для любых типов кровли
- ✓ вентиляционные системы

Форма оплаты — любая.

Е-mail: tommarkazi@mail.ru
Телефон 300-09-05. Факс 228-55-93.

Товар сертифицирован. Гувожнома № 003528-01.

Янги шифо маскани

Қорақўл туманидаги асаб касалликларига ихтисослаштирилган "Абдурашид Меҳмон шифо" хусусий шифохонасида банкнинг 30 миллион сўмлик кредити ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ва технология янгилаш ишлари амалга оширилди.

Натижада муассаса биноси кўркам қиёфа касб этиб, даволаш хоналарига замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар ўрна тилди. Шунингдек, бу ерда физиотерапевт муолажа — беморни зулук билан даволаш усули ҳам йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда вилоятдаги мавжуд 157 та хусусий тиббиёт муассасасини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича чоразотирапик муолажа — беморни зулук билан даволаш усули ҳам йўлга қўйилди.

И. ИБРОҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тиббиёт

Реклама ва эълонлар

ДИҚҚАТ! ФЕСТИВАЛЬ!

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Гетта Group» компанияси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда

17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва қаваскор санъаткорлар орасида

«МАРРАЙ МАЙДОН»

жонли ижродаги кўшиқлар фестивалини эълон қилади.

Кўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлималаридан ҳамда www.uzbeknavo.uz интернет сайтидан олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.

Фестиваль иўлаштилар:

- эстрада;
- анъанавий ижрочилик;
- академик вокал.

Фестивалнинг асосий шарти: кўшиқлар фақат жонли ижрода айтилади.

Фестивалнинг асосий мезони: кўшиқларнинг янгилиги, оригиналиги, матининг таъсирчан ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, сахна харакати, нутқ маданияти ҳамда ижро услубидир.

Фестиваль лауреатлари 2012 йил охирида фестивал якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаясизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совиришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риелторлик лицензиясига эга бўлган «КО'СНМАС МУЛК SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефонларига кўнгирак қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнинг оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Махлаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«КО'СНМАС МУЛК SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг!

«КО'СНМАС МУЛК SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Лицензия: RR-0001.

Мурожаат қилинг ва арака толинг!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси ҳўжалик бўлими ходими Юлдуз Норовна падарни бузуқворни ШАРИФЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН КўЛЭМАЛАР тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусахҳач — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилки — 22.30 1 2 3 4 5